



2020 у. «30» сентябрь

№ К-515

« » 20 г.

Қумқўрғон тумани С.Бойматов массиви “Гулистон” маҳалласи худудидан “НАҲАТ GRANT AGRO LOGISTIKA” МЧЖга чорва моллари боқиш ва чорвачилик комплекси қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 сентябрдаги 05-02/660-сон йиғилиш баёни ва Қумқўрғон туман ҳокимининг 2020 йил 16 июлдаги 194/01-36-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 сентябрдаги 05-02/660-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Қумқўрғон тумани С.Бойматов массиви “Гулистон” маҳалласи худудидан “НАҲАТ GRANT AGRO LOGISTIKA” МЧЖга қишлоқ хўжалик харитасининг 937, 1378қ ва 1383-дала контурларидаги жами 50,70 гектар яйлов ер майдони, шундан 37,0 гектарига чорвачилик комплекси қурилиши учун ва 13,70 гектарига чорва моллари боқиш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “НАҲАТ GRANT AGRO LOGISTIKA” МЧЖ чорвачилик комплекси қурилишига ажратилган 37,0 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 531 400 660 (беш юз ўттиз бир миллион тўрт юз минг олти юз олтимиш) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Қумқўрғон тумани ҳокимлиги (Р.Ғалпаров) ер майдони ажратилиши

муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов